

КИШИЛОК ЖОШКОМАН

КУНДАЛИК ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ РЎЗНОМА

1991 йил 19 ноябрь

СЕШАНБА

№ 223 (5.266)

Баҳоси 3 тийин.

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

ЎН ИККИНЧИ

ЧАҚИРИҚ

ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ КЕНГАШИ

САККИЗИНЧИ

СЕССИЯСИДА



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида.



Р. ЖУМАНИЕЗОВ, Р. НУРИТ ДИНОВ (ЎзТАГ) ва Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

АХБОРОТ

18 ноябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Ўздов шир кириш нутқи сўзлаб очди.

Депутатлар сессия котибиятини сайладилар ва сессия кун тартибини тасдиқладилар. Олий Кенгаш муҳокамасига 29 та масала киритилган.

Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги, Ногиронларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги, Мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, Давлатнинг ёшларга доир сўбсати асослари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг давлат таъғиси тўғрисидаги, Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги, Ҳакамлик суди ва давлат низооларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар бор.

Давлат байроғи тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида миллиятлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари комитетининг раиси П. Қ. Қодиров сўзга чиқди. Муҳокамадан сўнг қонун қабул қилинди.

Иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартнома ҳақида, Мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси ҳақида, Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикаси, Украина, Беларусь Республикаси билан тузган давлатлараро шартномаларни тасдиқлаш ҳақида, РСФСР билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий битим ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Олий Кенгаш давлатлараро шартномаларни тасдиқлади.

Депутатлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Халиловнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисидаги ва референдуми ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари тўғрисидаги масалалар юзасидан қилган маърузаларини тингладилар.

Моддама-модда муҳокама қилингандан сўнг қонунлар қабул қилинди. Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини 1991 йил 29 декабрга тайинлади. Шу кун Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги

тўғрисидаги референдум, шунингдек Тошкент шаҳри ҳокимиятини сайлови ҳам ўтказилди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси назорат палатасини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган қонун лойиҳаси ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимоялаштириш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси тўғрисида фахрийлар ва ногиронлар ишлари комитетининг раиси Р. Ҳ. Абдуллаев маъруза қилди. Бу қонун ҳам қабул этилди.

Депутатлар «Мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Иқтисодий ислохот, бюджет сўбсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Хўжаев маъруза қилди.

Музокараларда халқ депутатларидан С. Бобомуродов, А. Исаев, Ҳ. М. Мансуров, М. Саидов, Т. Ҳошимов, А. Юсупов, К. А. Исроқов, Э. Ҳакимов, Ҳ. З. Нозимидинов сўзга чиқдилар.

Олий Кенгаш сессияси ўз ишини давом эттиради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови 1991 йил 29 декабрь, яшанба кунига белгилансин.

2. Белгилан қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 24 мартда сайлаган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ваколатлари умум-халқ сайловиди голиб чиққан президентликка номзод ўз вазифасини бажаришга киришган кунга тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЎЗДОВШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди:

1. 1991 йил 29 декабрь, яшанба кунга Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенига масала қуйидаги таърифда киритилсин: «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллай-сизми?».

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЎЗДОВШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг

ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАНИНГ ДАВЛАТ

ТАЪМИНОТИДАГИ АҲОЛИСИ

ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА МАДАД

БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

ТЎҒРИСИДА

Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси моддий ва ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш мақса-дан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, қоронғи ва уй-жой коммунал тармоқлари (номоддий ишлаб чиқариш соҳалари) ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 40—50 фоиз оширилсин.

2. Олий ўқув юрталари студентларининг техникумлар ҳамда республика ҳукуматидаги қарорларига биноан кийим-кечак ва оғир-оғир таъминлаш мақса-дан хуна-техника билим юрталари талабаларининг стипендиялари 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ўрта ҳисобда 30 фоиз оширилиб, иштинча ҳақ аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

3. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида иш ҳақи ва меҳнат нафасининг энг кам миқдори оғига 200 сўм ҳамда белгилансин. Бунда ишламайдиган пенсионерларга бериладиган ойлик компенсация тўловлари аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

4. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб

Ўзбекистон «Прометей» ватанпарварлик қидирув бирлашмасининг, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг, «Мовароуннаҳр» ҳайрия уюшмасининг низома-ри ҳам рўйхатга олинди.

(ЎзТАГ).

ДЕПУТАТДАН УМИД КАТТА

Бугунги кунда қарда бўлманг, ким билан мусоҳаба юртиманг, иқтисодий-ишқий қонунларнинг, ақлимнинг кун сайин қадрига эришганини ҳисобга сўз боради. Бу бежиз эмас. Республика янги йўлга қадам қўйди. Янги тақдир асосига қуриладиган ўшш, ривожланиш жараёни, мустақиллик йўлидаги дастлабки оқимлар оғир кечатир.

Ҳўш, мавжуд муаммолар, айни кундаги шарт-шаронглар ҳисобидида халқ номидан сўз юритаётган номларнинг фикри қандай? Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси арафасида мухбиримиз М. Абдураҳмон рўйхатдан ўтатган айрим халқ аркнларини билан суҳбатлашди. Улар ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича ифодаладилар:



Бухоро вилояти Гўлдувон районидида Ф. Энгелс номидаги жамоа ҳўжалик механизатори, 185-Саржикон сайлов округидида депутат Ш. КАЮМОВ:

— Бугун чиндан ҳам мавжуд муаммоларни тилга олмай йўлчилик йўли. Савдо шўхобчаларидаги тақчиллик, қанд-шакар, совуни, уи сингари озиқ-овқат ҳамда саноат молларининг етиш маътанни захматлаш ўзбек халқини, айниқса, қишлоқ меҳнатчиларининг жиддий таъинишга солатир. Бир ўйлаб кўриш: биз деҳқонлар илгари қандай меҳнат қилган бўлсак, бугун ҳам шу маромда ишлаяпмиз. Режа-

лар бажариладилар. Мавсумда шахсан ўзим 125 тонна пахта тердим. Унинг ҳар тоннасига 25 сўмдан ҳақ олдим. Ҳўжалигимиз белгиланган режани 113, бригаданим заршунослари эса зиммаларидида мажбурийликни биргина деҳқон меҳнати билан енгиб бўлмаслиги кун сайин равшанлашмоқда. Ўзбек қўли очик, тўю-тўйчиқа ўрганган халқ. Аммо у олаётган маош бозорлардаги молларни сотиб олиш имконини бермаётир. Менимча айни шу масалалар ҳисобидида жиддий бош қотириш, кечиктириб бўлмас қарорлар қабул қилиш пайти келди.

Бугунги сессиядан умидимиз катта. Тез орада, янги йилга қолдирмай Президент сайловини ўтказиш лозим, деб ўйлайман. Шунда кўпгина тортишувлар, баҳс-мунозараларга барҳам берилади. Халқимиз фаровон кунларни соғинди. Қолхозда 32 йилдан бўён механизаторман. Яхши куннинг ҳам ёмон куннинг ҳам гувоҳи бўлганман. Шундай экан, депутатларимизнинг бир ёқадан бош чиқариб, ягона мақсад — фаровонликка эришиш сари интилишларига ишонгим келади.



Самарқанд вилояти, 282. Карла Марис сайлов округидида депутат, «Кинаш» заводининг ишчиси Виктор Алексеевич ТАРАНОВ:

— Ҳа, бугунги кун билан ишчи ҳам, деҳқон ҳам мақтана олмайди. Шаронгларимизнинг оғир эканлигини деҳқонларнинг кўз юммаслиги керак. Ишчи, деҳқон олаётган иш ҳақи бугунги кун талабларига мос келмаётир. Тақчиллик кун сайин ўз кучини кўрсатмоқда. Магазинларда эса ҳеч вақо йўқ. Бир мисол келтирай: ҳар ойда мен 650 сўм, турмуш ўртоғим эса 400 сўм маош оламиз. Икки фарзандим бор. Каттаси 18 ёшда. Унга этик олай десан, минг сўмдан кам йўқ. Пальтонини қўйверинг. Битта аёллар қўйлаг 1 минг сўмга чиқибди. Бундай шаронгта қачонгача кун кечирмо мумкин? Бозорда бир кило узум 25 сўмга чинди. Картошка 3,5—4 сўм. Бир оғиз билан айтганда пуlining қадрига эришганига тезда барҳам бериш керак. Ишчилар-молликча, ҳалол яратувчиларга кенг йўл очиш керак. Бу менимча бирдан-бир тўғри йўлдир.

Бизнинг заводда илгари ҳарбий техникалар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариларди. Ҳозир эса замонага

мослашяпмиз. Ҳўжалик моллари, электр қуримлар ишлаб чиқариш. Заводда уч мингта яқин ишчи бор. Ҳўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради, деганларидек завод ишчиларининг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Аммо ҳамкасбларим эртанги куннинг яхшиланиб кетишига ишонмоқдалар. Ҳозирги кунда заводимизни янгича талаблар асосида қайтадан жиҳозлаяпмиз. Эскилари ўрнига янги дастгоҳлар ўрнатилатир...

Депутат ҳамсўхбатлардан бири кун тартибига киритилган масалаларнинг қай бирини энг долзарб деб ҳисобларидида, деб сўраб қолди. Менимча, иккинчи даражали масаланинг ўзи йўқ. Аммо депутатлар ҳеч бир кечиктирилмас кун тартибидида еттинчи масала «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишлари керак деб ўйлайман. Чунки Президентини халқ сайлагач, майда-чуйда мунозараларга чек қўйлади. Президент ҳақ берган имтиёздан тўласинча фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу эса халқроқ миқёсда Ўзбекистон халқининг ҳам, Президентнинг ҳам обрўси ошади деган гап. Янги йилгача Президент сайлови ўтказилса, деган фикрданман.

Шу ўринда Олий Кенгаш фаолияти ҳисобидида айрим танқидий мулоҳазалар билдириб ўтмоқчиман. Сессияда қўйилган масалалар ҳақидаги ҳужжатларни депутатлар ханузгача кечиктириб олмоқдалар. Биз илгари сессияда ҳам шу масалани тилга олгандик. Хусусан мен қўлимдаги ҳужжатларни 13 ноябрь кунга олдим. Яъни сессияга бор-йўзи тўрт кун қолганда. Бу — биз депутатларни қийин аҳволга солиб қўймоқда. Ҳужжатлар билан тўла танишиш имкони бўлмапти. Олий Кенгаш қоида фаолият юритаётган қўмиталар тайёрланаётган, муҳокамага қўйилаётган ҳужжатларни депутатларга тезроқ етказиб бериш ҳисобидида қайғурсалар фойдадан холи бўламасди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши комитетларида

16 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Чет мамлакатлар билан алоқалар комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни комитет раиси П. Қ. Ҳабибуллаев олиб борди.

Мажлисида суверен давлатлар иқтисодий ҳамжамияти тўғрисида шартнома ҳисобидида, Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги давлатлараро муносабат асослари ҳақидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь ўртасидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон ўртасидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Белоруссия ўртасидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Молдова ўртасидаги шартнома ҳамда РСФСР билан Ўзбекистон Республикасининг расмий делегацияларини ўртасидаги музокара-ларнинг якуналари юзасидан баёнот ҳисобидидаги масалалар муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Мажлисида қонун ҳужжатлари мувофиқ ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг роли ҳамда комитетнинг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонуни бажариш соҳасидаги тадбирлари ҳақидаги

масалалар ҳам кўриб чиқилди.

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комитет раиси Э. Ҳ. Халилов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, баъзи вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг таркибидидаги ўзгаришлар ҳақидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда), Ўзбекистон Республикаси «Ҳакамлик суди ва ҳўжалик низооларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг товар-моддий бойликларини ташқи қўлиб чиқиб кетиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида депутатлар томонидан билдирилган бир қанча тақлиф, қўшимча ва ўзгаришлар эътиборга олинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонун)нинг 107-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикасининг давлат рамазлари ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING НИЗОМИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Мана энди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг мажлисида Ўз-

бекистон Халқ-Демократик партиясининг Низоми рўйхатга олинди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ДАСТУРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсати ва қўналлик фаолиятининг олий мақсади — меҳнат аҳли ва ҳар бир оиланинг миллати, дини, этни-қоди, ижтимоий аҳоли ва келиб чиқишдан қатъи назар моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечириши учун тенг имконият яратиш, кишиларнинг конституцион ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликларини қамолатлаш, шон-шарафи ва қадр-қиммати, тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳи-моя қилишдан иборатдир. Партия халқ мададиға таян-

I. ТАРИХ ТАЖРИБАСИ ВА ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сиёсатида халқнинг энг яхши демократик анъаналарига, тарихий тажрибасига, умумбашарий қадриятларга, кенг аҳоли қат-ламлари томонидан маъқулланган жамик қимматли фа-зилатларга сунанади.

Партия мазоини фақат бизгина тўла англаб етишга қодирмиз, деган давводан йироқдир, республика халқлари ўтмиши сиёсий ақидалар ёки гарагузлик билан талқин этилишини қоралайди. Мазои яхшиши, ёмонли, барбонир ўзимизнинг тарихиди, халқимиз хотирасидир. Партия халқлар ҳаётининг фожиали дарвларини ҳақоратлашга йўл қўймайди, Батан тарихига ҳақоний ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш тарафдоридир.

Бизнинг мураккаб ва энциклопедик, йироқ ва яқин тари-химиз соғлиғига тафаккур тушунишни беэомоки керак. Партия бу ишни амалга ошириш олимларининг оли-жаноб ва масъулиятли вазифасига айланмоғи, барча соф-ди инсонларнинг иқод маскани бўлмоғи лозим, деб ҳи-соблайди.

Тарихимизнинг асосий сабоғи — бу халқ эҳтиёжлари ва манфаатлари билан ҳисоблашмай, республикалар су-веренитети ва инсон ҳуқуқларини поймол қилиб келган, тоталитар маъмурий буйруқбозлик бошқарувининг истиқ-болсиз эканлигини англаб олишдан иборатдир. Ягона сиё-сий партияга жамиятнинг раҳбар ва бошқарувчи кучи, аслида эса тоталитар ҳокимият тузилмаларини ҳаракатга солувчи воситасига асосланган сиёсий давлат тузуми ў-зининг ичорилигини кўрсатди. Сталин тарбиятининг оғир жиноятлари, давлат ва ҳокимият раҳбариятининг кейин-ги йиллардаги қўпол ҳагоялари мамлакатни ҳуқуқ иқтисо-дий ва ижтимоий инқирозга олиб келди, барчани тенг-лаштириш қондаларига асосланган, реал ҳаётдан анча узалиб қолган намунали жамиятни барпо қилиш гоёсига бўлган халқнинг ишончига пугур етказди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси собиқ марказ-нинг Ўзбекистонини унитар давлатнинг хом ашё манбаи деб ҳисоблаб келган республикага ва унинг аҳолисига қўп зарар етказган маъмурий бюрократик сиёсатини қоралай-ди ва бу сиёсатга унинг оғир оқибатларини тўлалиғига ўз бошидан ўтказган рус халқи дахлдор деб билимайди. Биз, Ўзбекистонда охириги 70 йилда халқнинг фидокорона бунёдкорлик меҳнати билан яратилган ижобий ютуқлари-ни инкор этмаймиз. Собиқ Иттифоқнинг барча халқлари билан қўп йиллар давомида таркиб топган дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ёрдам муносабатларини ўзимизнинг муҳим бойликларимиздан бири деб билиамиз.

Қадимий еримиизнинг тақдир асрлар оша эзгулик, тенг-лик, эркинлик гоғларини, жамиятни адолатли барпо қи-лиш оғзуларини ардоқлаб келишимиз. Бу анъаналарнинг ва муддаоларнинг ҳаётининг тарихини ўзи исботлаган.

Инсонпарварлик ва демократия гоғларини, инсон ҳу-қуқларини, меҳнат аҳли ва аҳолининг ижтимоий ночор табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилишни Ўзбеки-стон Халқ демократик партияси ўз фаолиятининг асосий йўналишлари деб билади. Биз, инсонга унинг сиёсий, иқ-тисодий ва ижтимоий турмуш шакллариини эркин та-лашни қафолатладиган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилмасини бунёд этиш тарафдоримиз. Бу:

- сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат жамияти;
- ҳар бир фуқарога давлат ва жамоат ишларида, иқ-тисодиёт ва маданиятда, сиёсий ҳаётда баббарав ишти-рок этиш имкониятларини қафолатлаш жамияти;
- мулкчилик ва меҳнатнинг, тадбиркорлик ва рақо-батнинг барча шаклларига тенг ҳуқуқ берилдилиги, ҳўжа-лик ва иқтисодий фаолиятга мафқуравий аралашига йўл қўймайдиган жамият;
- аҳолининг иш билан бандлиги, биринчи навбатда қарилар ва болаларнинг, кўп болали оилаларнинг, ўкув-чилар ва талабаларнинг, кам таъминланган фуқаролар-нинг ҳаёт кечириши учун энг зарур нарсалар билан таъ-минлашни қафолатладиган жамият.
- республикада яшаётган барча халқларнинг анъана-лари ва урф-одатлари, дини, тили ва маданияти ҳурмат қилинадиган, ягона мафқура, дунёқараш ҳўкурмоқлик қи-лмайдиган, сўз ва виждон эркинлиги, умуминсоний қад-риятлар ва инсонпарварлик қафолатладиган, илм-маъ-рифат камол топадиган жамият бўлиш керак.
- Партия фуқаролар тинчлигини, миллий ва миллатлар-аро товулиқини тўлиқ таъминлашни, ҳар соҳада ва ҳаи-ма вақт қонун ва тартибга сақлашни жамиятимизни ана шундай ташкил этишнинг асосий йўли деб билади.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, УНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА МУНОСИБ УРИН ОЛИШИ УЧУН

1991 йил 31 августда Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилди. Энциклопедия республикамиз ўз тақдирини ўзи бел-гилайди. Ана шу тарихий қадамни қўтлаб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституция-ий қонун республика ҳаётининг барча соҳаларида изчил рўйбга чиқариш учун ҳаракат қилади.

Партия Ўзбекистон Республикаси суверен халқининг ўз давлат ҳўқуқий, иқтисодий, маданий ва сиёсий тараққиёт йўлини мустақил белгилаш ҳўқуқини сўбсиз таъминлаш, давлат тили бўлган ўзбек тилини тўла-тўқис қўлланни тарафдоридир. Республика ҳўдудининг яхлитлиги ва чегара-лари дахисизлигини таъминлаш лозим деб билади. У Ўзбекистон таркибига ихтиёр тарзда кирувчи Қора-қалпоғистон Республикасининг суверенитетини ҳўрмат қилади.

Партия истиқдолнинг, иқтисодий заминга — респу-бликанинг миллий бойлигини, жўмладан унинг мулки бў-лмиш ер, ер ости қазилмалари, табиий бойликлари, ўсим-лик ва ҳайвонот дўнесини, илмий иқтисодий ва маданий имкониятларини, ҳўжалик юртиш натижаларини мустақ-кам ҳимоя қилиш ва қўпайтириш учун курашади.

Партия республика ўз ҳўдудида валюта ва молия-кре-дит сиёсатини юртиш, олтин, нодир металл ва жавоҳир-ларни қазиб олиш, қайта ишлаш, улардан оқилона фой-даланишни қаттиқ назорат қилиш, олтин захирасини бунёд эта бориб, ўзгалар тасиридан мутолақ ҳоли бўлиш керак деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Рес-публикаси мустақиллигини халқро миёсда эътироф этилиши, унинг Ёйрлашган Миллатлар Ташкилатига, ва бошқа нуфузли халқро ташкилотларга аъзо бўлиш тара-фдоридир. Ўзбекистон ташқи сиёсати ўз халқнинг манфаатлари йўлида белгилаб, халқро муносабатларда мустақил ва тенг ҳўқуқий субъект сифатида майдонга чиқилиш маъқул.

Партия бошқа суверен республикалар билан тенг ҳўқуқ-ли ва ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида шакл-ланаётган бевосита сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқа-ларининг ривожланиши ва анъанавий тарихий алоқаларининг тикланиши, мустақамлашнинг ва ривожланишга минтақанинг муш-тарак муаммоларини ҳал этишда уларнинг ҳамкорлик қилишга имкон яратиб беришни зарур деб ҳисоблайди.

У ягона иқтисодий майдонга эга бўлган, тинчликни сақ-лаш, инсониятни ядро ҳафви ва экология фалокатларидан қутқариш учун ўз ташқи иқтисодий куч-ғайратини муво-фиқлаштиратган суверен давлатларнинг эркин конфе-дерациясини ёқалайди. Партия бошқа иттифодш республикалар билан келишган ҳолда республиканинг миллий ҳафсизлигини манфаатларини ҳўсбга олувчи ҳарбий му-додфа сиёсатини ўтказишни зарур деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси чет эллардаги патандошлар билан инсонпарварлик алоқаларини ривож-лантириш ва мустақамлашнинг, уларга республиканинг маданий ҳаётда, иқтисодий ва ижтимоий дастурларини рўйбга чиқаришда иштирок этиш ҳўқуқини беришни ёқ-

ган ҳолда адолат жамиятини яратишда астойдил қатна-шиш ниятидадир.

Партия Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳўқуқлари умумжаҳон декларациясини ва бошқа энг муҳим халқро ва давлатларро ҳўжжатларни тан олувчи мустақил де-мократик давлат сифатида шаклланиш ва тараққиёт этиши учун барча чора-тадбирларни ишга солади.

Партия ушбу мақсадларга ҳайрихоҳлик билан қаровчи барча ижтимоий кучлар билан ҳамжўхатлиқда интилади.

III. ИНСОННИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТАЙЛИК

Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлатнинг сиёсати ҳамшиа фуқаролар осийшталлиги ва миллатлар товулиғи сиёсати бўлиб қоллишга интилади. У мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси тайёрланаётганлигини қўллаб-қувватлайди, республикадаги барча кишиларга миллатидан, ижтимоий аҳолидан ва насл-насабидан, ди-нидан ва эътиқодидан қатъи назар ўз конституциявий ҳўқуқ ва эркинликлари, шу жўмладан ўзига хос маъна-вий анъаналарини сақлаб қоллиш ва ривожлантириш, фарзандларини она тилида тарбиялаш ва ўқитиш, дин-дорларнинг диний эҳтиёжларини қондириш, тарихий ва-тан билан алоқа қилиб туриш ҳўқуқини рўбга чиқариш учун тенг шароитлар яратиб берилиш тарафдоридир.

Яхши қўшничилик, ўзаро ҳўрмат ва ёрдам каби асрий халқ анъаналари жамиятни бирлаштириш негиз бўлиб қоллиш керак. Партия доимшамдлик ва таъриба соҳиблари сифатида, маданий ва маънавий мерос даво-мийлигининг қафиллари сифатида кекса авлодларга нис-батан анъанавий иззат-ҳўрматни сақлаш ва ривожланти-ришни ёқалайди.

Гаразли сиёсий мансадлар ва митингбозлик стихияси эмас, балки қонун ҳўкурон бўлган жамият сари йўл — пар-тиянинг бош йўналишидир. Партия давлат билан фуқаро бир-бирининг ҳўқуқини ҳўрмат қилиб ўзаро масъул эканликларини англаш тарафдоридир. Партия халқ ҳо-қимиятини мустақамлаш, давлат билан жамият ишлари-ни бошқаришда халқ иштирокчилигини гойат хилма-хил шакллариини ривожлантириш йўлида қаттиқ туради.

Партия ўзининг бутун сиёсий фаолияти билан ҳўқуқий давлатнинг қарор топишга қўмқлашиш ниятидадир. Бундай давлатда демократия ва қонунчилик, ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига ажра-тиш йўли билан таъминланади. Демократиянинг асосла-ридан бири — дунёвий ҳокимият қондан мустақил қарор топтирилиш лозим.

Барча учун баробар, мустақил, барча томонидан тан олинмадиган ва ҳўрмат қилинадиган одил суд давлатини ва ундаги ҳар бир фуқароннинг манфаатлари ҳўқуқий жи-ҳатдан ҳимоя қилиниши тўлиқ таъминланиши даркор. Партия жамиятдаги барча соғлом кучларнинг қонунсиз-лик ва жиноятчиликни айниқса уюшган жиноятчиликни ва уларни юзата келтирувчи шароитларни қўпориб таш-лаш учун бирлашуви тарафдоридир.

IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КўЗЛОВЧИ ИҚТISODIЙ ВА ИЖТIMOИЙ СИЕСАТИНИ УТКАЗАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОНNING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИ ҲИСОБА ОЛИБ, БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА УТАЙЛИК

Ўзбекистон Халқ демократик партияси иқтисодий мус-тақилликни сиёсий мустақиллик қуруқ гапдан иборат бўлиб қолади, деб ҳисоблайди. Партия Ўзбекистон Рес-публикасининг иқтисодий сиёсати ҳар бир инсон, унинг оилаи, аҳолининг турли қатламлари, жамик халқнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида қурилишни қўллаб-қувват-лайди. Унинг заминда «Ойла равнақи» — давлат равна-қи» деган қонда бўлиш шарт.

Партия республиканинг ижтимоий-иқтисодий тағил-ликдан чиқарилиш янги йўлларини ахтариш ва ҳозирда аниқланган ижобий йўлларини ривожлантириш, Ўзбеки-стоннинг ижтимоий иқтисодий ва демографик тараққиётга ҳўсуслиларини, қўпчилик аҳолини турмуш тарзи ва урф-одатларини ҳисоба олган ҳолда бозорга ўтиш тарафдо-ридир.

Бозор муносабатларини аҳоли манфаатлари ва эҳтиёжлари устиворлигини таъминлайдиган, ҳар то-моламга йўлаб ёндашилган ва англаб етилган ислохот-лар асосида олиб борилиши маъқул. Партия баракали меҳнат қилиш учун моддий манфаатдорлик, тадбиркор-лик, ҳўсусли ташаббускорликни рағбатлантириш, мулк шакллариининг тенг ҳўқуқчилигини таъминлаш учун ку-рашади.

Партия меҳнат аҳолининг ишлаб чиқариш воситалари ва ўз меҳнати натижасининг ҳақини соҳиб бўлиши, ҳўсусли мулкчилигининг амал қилдиган соҳаларини ке-нгайтириш йўли уқалади. Иқтисодиёт ва бозор муносаба-тларини ривожининг муҳим шарт, деб билади. Мулки давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳўсуслилаштириш жа-моатчиликнинг қаттиқ назорати остида бўлиш керак.

Давлат мулкчилиги фақат санаятининг базис тармоқ-лари, ҳаво ва темир йўл транспорт, алоқа, магистрал коммуналқияларидиган ҳўкурмоқлик мақсдини сақлаб қоллиш керак. Бошқа тармоқларда акционерлик, жамоат, ширкат, ҳўсусли корхоналар ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратмоқ лозим. Ишловчиларнинг иж-тимоий ҳимояланиши ва улар фаолияти устидан давлат-нинг иқтисодий назоратини таъминлаш шартдир.

Партия ерни мерос қилиб қолдириш шарт билан шах-сий фойдаланишга ва инзарга бериш тарафдори. У дав-лат, ширкат, жамоа, деҳқон ва фермер ҳўжалари-нинг тенглигини ёқалайди.

Партия иқтисодиётни чўқур таркибий қайта қуришни, халқ ҳўжаларини бир томонлама, яққа ҳокимликдан ме-рос бўлиб қолган хом ашё йўналишини тезроқ бартараф этишни қўллаб-қувватлайди.

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича тармоқ-ларнинг иқтисослашган турларини, фан-техника тара-ққиёт ютуқлари ва замонавий усулларни кенг жорий этиш асосида хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чи-қарувчи корхоналарни бунёд этиш, мудодфа корхона-лари соҳасини ҳам пухта ўйлаб ва оқилона тарзда ўзгар-тириш зарур.

Партия ташкилотларининг асосий диққат-эътибори жаҳон савиясида фаолият кўрсата оладиган миллий иш-чи кадрлар, мутахассислар тайёрлашга қаратилиши дар-кор.

Партия ташкилотлари республиканинг инженер ва иқтисодчи кадрларини бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ қайта ўқитиш учун давлат томонидан қўрилат-ган тадбирларни қўллаб-қувватлайди ва уларни амалга оширишда бевосита иштирок этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси пахта яккахо-кимчилигини рад этади. Деҳқончиликда шундай иқтисодий ва ҳўқуқий шарт-шароитлар яратилиши керакки, токи республика ва унинг аҳолисининг қишлоқ ҳўжалик маҳ-сулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун иш-лаб чиқариш қатнашувчиларининг моддий манфаатдор-лиги оширилад.

Партия миллий меъморчиликни, халқ ҳўнамандчили-гини, бадий ижодиётини, халқ усталари ишлаган буюмлар-да муассамлашган ўзига хос маданиятни тиклашда фаол қатнашиш ниятидадир.

Партия она табиятга ғамхўрлик билан муносабатда бўлишни, атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақ-лаш, жаҳоншумул ва минтақавий экологик муаммолар-ни илмий асосда ҳал этишни қўллаб-қувватлайди.

Партия ҳалокат ёқисида турган Оролни қутқариш, Оролбўйи ва Ўзбекистоннинг экологик носоглом минта-қаларида яшаб шароитларини яхшилаш учун астойдил ҳаракат қилади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси қуломушларини амалга оширишда манфаатдор респу-бликалар ва бошқа халқро ҳамжамиятлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Партия Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган бошқа республикалар билан тенг ҳўқуқли ва

ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш, ягона иқтисодий маконни шакллантириш, тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ ҳал этишга қўмқлашади, деб ҳи-соблайди.

Партия республиканинг хорижий шериклар билан бе-восита алоқалар ўрнатиши, улар билан биргаликда ил-мий-техникавий, савдо-сотик, иқтисодий ва маданий ҳам-корлик қилиши, муштарак корхоналар, концессиялар ва эркин иқтисодий зоналар барпо этиш масалаларини ўзаро фойдаланган ва тенг ҳўқуқли асосда ҳал қилиши тарафдори. Бунинг учун барча зарур иқтисодий ва ҳўқуқий шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси белгиланган режалар амалга охса, суверен Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи бекаму-қўст бўлишга ишонади.

АҲОЛИНИ ИЖТIMOИЙ ҲИМОЯЛАШ КАФОЛАТЛАРИ — БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШNING АСОСИЙ ШАРТИ

Республикамиз аҳолисининг ҳаёти тўқис бўлиши, уларни ижтимоий адолат қондаларига оғишмай амал қи-линиши партия фаолиятининг асосий мақсиди. Партия, давлат идораларининг вазифасини солиқ сиёсати, имтиёз ва бошқа иқтисодий воситалар орқали аҳолининг бир қатламининг қашқоқланиши ҳўсбидан бошқа қатлами-нинг бойлишини истисно этишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Партия ташкилотлари аҳолининг кам даромадли ва энг ночор қисмининг ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилинишига эришиш учун ҳаракат қилади. Уруш ва меҳнат факхрийлари учун метёрий турмуш шароитини яратиш, нафақа таъминотини изчиллик билан яхшилаш; уларга алоҳида ғамхўрлик қилиниши тарафдоримиз. Ти-риқчилик қимматлашувининг ўрни муҳтожларга қуцда-лик зарур молларни имтиёзли нархда сотиш, жамғарма-ларни ва даромадга пенсия, нафақа, стипендияларни қўшган ҳолда индексациялаш орқали қоплашни зарур. Соғлиқни сақлаш, даволаш муассасалари, сифатли ти-ббий хизмат кўрсатиш, уй-ҳой билан таъминланиш ҳўқу-қи барча учун баробар бўлиши сақлаб қоллиш керак.

Партия бозор муносабатларига ўтиш шароитида киши-ларни, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш муаммо-ларига эътибор бериб қарайди. Қўшма иш жойларини барпо этишда маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, серфар-зандлиги, тутилиб ўсган заминда қўпоро боғланиш қолли-ш олатларини ҳисоба олмақ зарур. Бу қийин, лекин ша-рафли вазифади «Иш билан бандлик» республика давлат дастури доирасида рўбга чиқариш аҳамияти моликдир.

Республикамиз қишлоқларидаги аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш партия ижтимоий сиёсати-нинг асосий вазифаларидан биридир. Қишлоқларни обод-лантириш, аҳолини газ ва сув билан таъминлаш учун пул қарз бериш, инвестиция сиёсатини қўллаб-қувват-лайди.

Шахсий ёрдамчи ҳўжаликлар ва тармоқларни янада мустақамлаш гойат муҳим давлат вазифаси бўлиб қо-лиш керак. Партия бу нарсани қишлоқ аҳолисининг ижти-моий ҳимояланиши, яққа тартибда уй-ҳой қурилиши, жамоат ишлаб чиқариши соҳасида меҳнат қилиш имко-ниятига эга бўлмаган қўп болали оналарни иш билан таъминлаш, оилаларнинг ўзини-ўзи таъминлаш ва озиқ-овқат бозорини тўлдирш учун озиқ-овқат маҳсулотлари-ни қўпайтириш масалаларини ҳал этиш йўлида зарур асос яратиш, деб ҳисоблайди.

Партия ташкилотлари шахсий ёрдамчи ҳўжаликлар еғалари уюшмаларининг бозор иқтисодида ўтиш даврида-ги деҳқонини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ҳара-катини қўллаб-қувватлайди.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — ПАРТИЯ ИЖТIMOИЙ СИЕСАТИNING ЭНГ МУҲИМ ЙўНАЛИШИ

Партияни ташвишга солаётган энг муҳим муаммолар-дан бири халқнинг ирсий фондини соғломлаштиришдир. Бу масалани ҳал этиш йўли оналик ва болаликни муҳо-фаза қилишга одил махсус давлат дастури билан белгила-ниши керак.

Партия аёлларга — оналар ва болаларга тиббий хиз-мат кўрсатиш даражасини кескин ошириш учун кура-шади.

Янги туғилган заиф чақалоқлар учун даволаш ва со-ғломлаштириш марказлари тармоғи, шарфат хизматини барпо қилиш, қомиладор аёлларга ёрдам кўрсатиш, бола-лар ўртасида ўлимни камайтириш йўлидаги дастлабки қадамлар бўлиши керак.

Партия аёллар болаларини тарбиялашга доир асосий вазифаларини меҳнат ва жамоат фаолияти билан оқилона қўлиб олиб боришлари учун давлат уларнинг иш билан бандлигини, уларни касбга тайёрлаш, меҳнат ва турмуш шарт-шароитларини яхшилаш тизимини жорий этиш керак, деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари оғир ва зарарли ишларда хотин-қизлар хизматини кескин камайтиришга, касаначиликни ривожлантиришга сабот билан ҳаракат қилади. Зарур имкониятлар яратиб берилган сайин болалик аёлларга иш ҳақи ва пенсия таъминотидаги тегишли компенсация тўлаш билан бирга уларни қўшқартирилган иш ҳафасига ўтказишни қатъий билан талаб қилади.

Партия ёш оилаларнинг оёққа туриши ва мустақамла-ниши учун қулай шарт-шароитлар яратишга катта аҳа-мият беради. Биз ёш оилаларга имтиёзлар беришни ке-нгайтириш, уларга имтиёзли кредит ва қарз бериш, оила-вий ётоқхоналар, ёшлар уй-ҳой қурилиш мажмуи тар-моқларини жадал кенгайтириш тарафдоримиз.

Партия ташкилотлари меҳнат жамоаларининг болалар уйлари ва кўп болали оилаларга оталиқ қилишга, улар-га ўз мабғалари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатишга доир ташаббусни бутун чоралар билан қўллаб-қувват-лайди.

ЎЗИДА МАДАНИЙ ВА ТАРИХИЙ МЕРОСНИ МУҲАССАМЛАШТИРГАН ЕШ АВЛОД

ЎЗБЕКИСТОНNING МАЪРИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЧўҚИЛАРИГА ЭРИШИШДА АСОСИЙ ТАЯЎЧДИР

Еш авлод республика тақдирини ўз қўлига олиши ва уни ишонч билан тараққиёт ва гуллаб-йиланиш сари бош-лаш керак. Ўзбекистон Халқ демократик партияси дав-латнинг ёшларга нисбатан изчил, ягона сиёсатини иш-лаб чиқиш ва рўбга чиқарилишини ташаббуслари ва сиё-сий гарови бўлиш ниятидадир. Партия ёшлар халқнинг инсонпарварлик ва маънавий анъаналарининг муносиб вориси бўлиши, жаҳон маърифати ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзида мунассамлаштириш учун жа-мият ҳамма ишни қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси барча ёшлар миллати, ижтимоий аҳоли, тили, динга муносабатидан қатъи назар билим олиш учун тенг имко-ниятига эга бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Давлат мактаби билан бир қаторда аҳолининг хилма-хил эҳтиё-жларини ҳисоба оладиган муқолиб мактаб ҳам бўлиши мумкин. Бунда давлат, жамоат мактаби, шўбхасиз, фақат дунёвий бўлиши лозим.

Партия мактабгача тарбия, умумий таълим ва олий мактаблар чўқур ислоҳ қилиниб, энг яхши миллий анъа-наларга таянмадиган ҳамда таълимнинг барча шакллари-да жаҳон стандартлари ютуқларини қўлайлидан бўлиши тарафдоридир. Умумий таълим мажмуининг моддий ба-засини мустақамлаш, ўқувчилар, талабалар ва муал-лимларни ижтимоий ҳимоя қилиши таъминлаш, муал-лимларга анъанавий ҳўрматни тиклаш керак.

Гойат қўбиятли болаларни жуда ёшлдан аниқлаш, улар учун иқтисослаштирилган ўқув юртлари барпо этиш, истеъдодли ёш олимлар ва талабаларни мамлакат-нинг етакчи илмий ва ўқув марказида ҳамда хориқта юбориш давлат сиёсатининг устивор йўналиши бўлиб қоллиш лозим. Ёшларга чет тилларни ўргатишни, улар-ни республиканинг жаҳон бозорига чиқиб олиши билан боғлиқ фаолият соҳасида тайёрлашни анча кенгайтириш зарур.

Бунда таълим учун тобора ўсиб бораётган ҳаражат-ларни давлат ўз зиммасига олиши керак. Олий ва ўрта мактабни ривожлантиришнинг мураккаб муаммолари ўқувчи ёшлар ҳамда уларнинг оилалари ҳисобига ҳал қилинишга йўл қўйиб бўлмайди.

Ўқув юртлари ва илмий муассасалар мустақилли-гини ривожлантирилиши, уларнинг ташкилий шакллари-

нинг хилма-хиллиги таъминланиши керак. Айни пайтда партия ўқув юртларини таълим-тарбия вазифаларини ҳал этишга тўқинлик қилмадиган сиёсий эҳти

МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

район марказини шифохонаси қасаба уюшмаси томонидан 200 сўм қарбон «Истиқлол» шифабат ва саломатлигини жағмармасидан 300 сўм ёрдам пули берилади.

Навоий номили жамоа ҳўжалиги томонидан Р. Пулатовлар оиласига 4 куб метр тахта, 200 килограмм қаршўчи ва ситирини боқшини учун 1 тонна ем-хашак ажратилади.

Район халқ таълими бўлимига Р. Пулатованинг мактабда ўқийдиган фарзандларини бепул қийим-бош билан таъминдаш ва район матбуот жамиятлари уюшмаси бoshқарувиға унинг оиласига нориа асосидан «Истиқлол» йилга 200 сўм



ЖАВОҲИР ЧАШМАСИ

Бадий асарда ўзи ҳақида гапириш — ҳасби ҳолни баён этиш ўтмиш шоирлари каби Алишер Навоий «Хамса»-сида ҳам кўп учрайди. У махсус бўлмаса-да, йўл-йўлакка, ўрни келганда, хусусан, «Хамса» дostonини ёзаётган даврдаги аҳволи, кайфияти, замонашлари билан очик мулоқотлари, асарнинг ёзилиши билан боғлиқ кўпгина ҳодиса ва воқеаларга ўз муносабатини билдиради.

«Хамса»даги бу хил маълумотларни дасан инки рухга ажратиб муҳим. Биринчиси шунки, шоир ўзи ҳақида бевосита хабар қилган маълумотлар, яъни инкишис, Навоий таржиман ҳолининг ўзи иштирокчи, ҳаққоний ёритувчи, тўлдирувчи ҳамда мутахассис навоий-шунослар томонидан маълумот сифатида баҳолашувчи манбадари. Масалан, улуғ шоир Хуросонда тутилган, умрининг кўп қисми шу ўлкада кечган. Шу нуқтаи назардан, гарчи Навоий «Хамса»да ўз тутилган юрти Хуросон эканини алоҳида тасвирламаган бўлса-да, асардаги шу ўлкага оид фикрларнинг маълум даражада биографик аҳамиятга эга бўлган маъна сифатида ўрганиш, шоирнинг Хуросон ва унинг маркази Хиротга бўлган муносабатини аниқлаш муҳимдир. «Хамса» дostonларидаги Хуросон тасвирлари шу нарса аёнки, у ўз юртининг муҳаббатини ўрни, табияти, шаҳар ва бозорларини, боғ-роғларини яхши билди. Хуросонни Навоий она дийр сифатида ахтирос билан севган, газаллари ва би дostonларида ҳам у ҳақда мароқ билан сўзлаган, ҳатто «Хайрат ул-абсор»нинг махсус бир боби — ўн тўққизинчи мақолатини Хуросонга бағишлаган. Унингча Хуросон бу дуненинг жаннатидир.

Шарқшунос олим А. Белецкий ўзининг «Ху асрда Хиротнинг топография тарихи» номли асарига унинг тўртта дарвозаси бўлганини ёзади: «Ферузобод, Ансорий, Инкил ва Хуш. Улар пишиқ-гилдан тикланган. Бир-бирларидан узоқлиги 1900 кадамни ташкил этади». Навоий тасвирда улар ажойиб ифодасини топган:

Пили фалак киргуча дарвозаси,
Тоқи само тоқининг андозаси.
Ер тубига ҳандақи андоқ кириб,
Ким ани ер муҳрасидин айриб,

Дostonда бу шаҳардаги бинолар тўғрисида ҳам шоир завқлиб ёзган. Хиротга ҳуси бериб турган қишлоқларнинг энг ҳашаматлиси Маскиди Жомеид. Навоий ёзишича, Хиротда бу хил бинолар жуда ҳам кўп бўлиб, шаҳар девордан ташқари-сидангина буга жимайди.

Шу билан бирга шаҳар бир ном билан «Хирот» деб аталса ҳам тарихдан у бир неча, айниқса — юзларча маҳаллаларга бўлинган.

Бугина эмас, Хирот ўз маънаси билан машҳур. Уларнинг ҳар биттаси махсус равишда ўз номига йўналишга, эга. Ташқи улғуворликда уларнинг тенги йўқ. Барининг тўғалликлари Навоий таърифида катта маҳорат билан чиқилган. Унда дар бериб муҳаббатларнинг руҳи пок, нияти холис. Мадрасалар гўмбаз осмон гўмбазини эслатади. Унинг қишлоқларида қуёш акси товланиб туради.

«Хамса»нинг биринчи дostonи «Хайрат ул-абсор»даги

тонин «Хайрат ул-абсор»даги Хирот билан боғлиқ тасвирлар XIV асрнинг инкишис яримдаги тарихий шароит, вазият, маданий ҳаёт билан туташган. Бу даврда Хирот Хуросон давлатининг пойтахти бўлиб, Темурий ҳукмдорлари Хусайн Бойқаро, хусусан Алишер Навоийнинг ўзи бу шаҳарнинг ободончилигига катта ҳисса қўшган эди. Навоий давлат арбоби, маданият ҳомийи сифатида XIV асрнинг 70-йиллари охири, 80-йилларнинг бошида Хиротнинг Мусалло деб аталган қисмида «Ихлосия» мадрасасини, «Халосия» хонақоҳини, «Шифоия», «Дорилхуфоз», «Масжиди Жоме» деб аталган биноларини қуриш, у ерга Инкил аригини ўтказиш кўп ўзгаришларни юборган эди.

Навоийнинг Хуросон ва Хирот ҳақида битилган байтлари у ўз мамлакатини, тутилган, яшаган шаҳрини илҳам илҳасига чапилишни, она юртининг ҳақиқий ватан парвари бўлганлигини, унинг ҳар бир сатрида Ватанига муҳаббат туйғуларини ёзиб турганини очик қўра-миз ва сезамиз. Бу жиҳатдан қараганда, шоир фаолияти билан боғлиқ мана бу лавҳа гоёт муҳимдир.

Маълумки, XV аср Хуросонда фан ва санъатнинг бошқа соҳалари қатори жугрофия фани ҳам ривожланган. Бу даврда кўпчилик сайёҳлар Хирот орқали ўтardi. Хирот дунёни тавир, дунё ҳам Хирот илмий-адабий ютуқларини ҳалол тан ола бошлаган эди. «Равзат-ус-сафо»нинг охири қисмларини Мирхонд вафотидан кейин синглисининг ўғли Хондамир ёзиб тугатган ва унга жугрофияга оид бир рисола илова қилган. Бу рисола XV аср охиридаги Урта Осиёда яратилган машҳур «Худуд-ул-олам» асарига (Муаллифи номаълум) таълидан ёзилган. Рисола охирида Алишер Навоий ва унинг қурган бинолари ҳақида маълумот берилади. Яна ҳикоя қилинишича, кунларнинг бирида Хондамир дунё шаҳарлари ҳақида махсус асар ёзиб, Алишер Навоий хузурига олиб келди. Шоир қўлағзани синчиклаб кўздан кечирган, ундан кўнгли тўлмаганини айтди.

У асарда Хиротнинг афзалликлари неботлайди. Сўхбатда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси Хондамирнинг ўзи ҳам унинг фикрига қўшилиди. Хондамир қўлағзасини Навоийнинг таъкидига мулоҳазалар асосида қайтадан ёзиб, тугатиб келтирди.

Булар Навоийнинг чиндан ҳам Хиротни ҳайратда қоларли даражада туқур билганлигига далиллар.

Юқорида келтирилган байтлар ва лавҳалар Навоий ижоди ҳаётий манбалари аниқ тасаввур этишга, унинг ижодини тўғри тушунишга ёрдам беради. Бинобарин, улар маълум дostonда бевосита бўлмаса ҳам билвосита шоир таржиман ҳолини ёритишга хизмат қилади.

Ж. РАҲИМОВ.



Қарши саноат моллари савдоси идорасига қарашли 2-газвол дўқони ходимлари вилоят миқёсида ўтказилади-ган ярмаркалар, халқ сайтлари, ҳосил байрами сингари оммавий шодиёналарда меҳнаткашларга хизмат кўрсатишда фаол иштирок этиб келишмоқда.

— Аҳолининг талаб-эҳтиё-жини имкон қадар қонди-риш учун турли амалий та-дбирлар қўраймиз, — дейди дўқон директори Арслон Алимов. — Республиканинг

турли жойларидан, қўшни жумҳуриятлардан кенг истеъ-мол буюмларни, газмоллар олиб келиб, зимманидаги тошириқни ошириб бажара-лимиз. Бунда бўлим mudiri Латиф Саломатов, сотувчи Насиба Яхшиева ва бошқа ходимларнинг хизмати катта бўлаётди.

СУРАТДА: сотувчи Н. Яхшиева харидорларга хиз-мат кўрсатмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида «Лима» шамшунини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. У сифати жиҳатидан хориждан кел-тириладиган шамшунлардан қолшимайди. Сочни мустақ-камлайди ва унга ора бера-ди. Янги маҳсулотнинг даст-лабки деярли 60 тоннаси савдога чиқарилди.

Наманган районидagi кичик Тошбулоқ қишлоғида истиқомат қилаётган иррига-торлар ончалари ҳовли тўй-лари ўтказишмоқда. Улар учун бу ерда «Наманганир-строй» трестининг қури-лиш-монтаж бошқармаси жа-моаси район сув ҳўжалиги қўрилиши бўлимининг бу-юртмасига кўра уч қаватли уй қуриб берди.

«Фарғонанефтеоргсин-тез» ишлаб чиқариш бир-лашмасининг мутахассисла-ри қўшни Тожикистондаги нефть-битум заводининг бу-юртмасини бажарди. Улар маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат умумдорлигини оширишга имкон берадиган битум олишнинг технологик чизмаларини ишлаб чиқш-ди.

Ўзбекистон гидрометеорология маркази экологик ахборот сота бошлади. Ҳар қандай вазирлик, идора, кор-хона, жамоат ташкилоти, хусусий кишилар бу ахбо-ротни сотиб олишлари му-мкин. Ҳаво, сув, тунроқ аҳ-волини кузатиб борадиган Ўзбекистон гидрометеороло-гия маркази ҳўжалиқ ҳисо-бига ўтмиш муносабати би-лан шундай қарор қабул қи-линиди. Ўзбекистон гидроме-терология маркази айни вақтда матбуотда ҳар ойда бир марта экология шарҳини эълон қилишни тўхтатди.

ТУРФА ОЛАМ

ЭНГ ШИРИН СУТ

Энг ширин сут қарки-дон сут. Унинг 36 фо-из сут қандиги тўғри келади. Энг ёпи қами ҳам қаркидон сутидир. Атиги 0,3 фозинга ёғи бўлади.

МУЎҲИЖИЗАВИИ УМР

Англияда энг узоқ яшаган одам Томас Парр ҳисобланади. У 152 йил, 9 ой, бир неча кун умр кўрди. Одатда-ги овқати эскирган пиш-лоқ, сут ва сувни қочган нон эди.

АНИҚЛАГИЧ

Қадим замонларда сутни тирноқ устига то-мизиб қўрилганда ёй-либ кетмаса, уни яхши сут деб ҳисоблашар эди. Италия шаҳарлари-даги деҳқонларни бо-зорга ўтказиб турадиган посбонлар сутнинг таби-ий ёғи сўниги эканлиги-ни беҳато аниқлар эди-лар. Сутга сув қўшилган ёғи ифлослиги маълум бўлиб қолса, посбонлар унинг эгасини бозорда-ги қора устунга боғлаб қўйиб, сутни бошига ағдарар ва шу ҳолда кун бўйи саклар эдилар.

Урта асрлар охири-ларида, сут товар ҳо-лига кирга бошлаган пай-ларда шаҳар дарвоза-ларининг посбонлари дастлабки лаборантлар-га айланиди. Улар сутли идишга ялтироқ-тиг тушириб, кейин унинг шу тигдан қандай оқиб тушишини кузатиб-турар эдилар. Сутнинг секин оқиб тушиши унинг ёғли эканлигини кўрсатар эди.

М. АБДУЛЛАЕВ тўплаган.

Футбол ҲУЖУМКОРЛИК РУҲИДА

«Пахтакор» футболчили-ри Липецкнинг «Металлург» жамоаси билан бўлган СССР кубогини 1/16 финали ўйини-ни кўтаринки руҳда ўтказиш-ди. Астойдил тўп сурган ҳажмюртларимиз рақиблари-га ҳеч қандай имкон қол-диришмади. Кўпдан бўён мухлислар «Пахтакор» ўйи-чилари ижросида бундай эркин тўп узатишлар ва зарба беришларни кўришма-ган эди.

Афтидан, кучлилар гуруҳи-да ўрнини сақлаб қолш-учун масъулият ҳисси ав-валли учрашуларда пахта-корчилар елкасида кўринмас-юк бўлиб турган ва шу боис-улар ўзларининг асл куч-қудратлари, маҳоратларини намоийш қилишдан оқин-эдилар. Мана энди ўша «ку-ринмас юк»дан халос бўлган футболчиларимиз аслида-нимага қодир эканлигини яққол кўрсатишди.

Хурсанд қиладиган яна бир томони шундаки, ўзбек футболда умидли ёшлари.

миз сероб экан. Агар улар мана шу тарада ўйин маш-қини олиб, ўз маҳоратлари-ни узлуксиз ошира боришса, ҳеч шубҳа йўқки, «Пахта-ди. Астойдил тўп сурган ҳажмюртларимиз рақиблари-га ҳеч қандай имкон қол-диришмади. Кўпдан бўён мухлислар «Пахтакор» ўйи-чилари ижросида бундай эркин тўп узатишлар ва зарба беришларни кўришма-ган эди.

Кечаги ўйинда қайд этил-ган 7:1 ҳисоби шундан яқ-қол далолат бериб турибди. Тўплари Шайхон (2 та), Қосимов (2), Ҳасанов, Маго-метов, Назаровлар киритиш-ди ва «Пахтакор» СССР ку-боғи учун баҳсин давом эт-тирадиган 16 жамоа сафи-дан жой олди.

Мусобақаларнинг нав-батдаги босқичда ҳажмюр-таримизга мамлакатнинг янги чемпиони — Марказий армия спорт клуби футбол-чилари рақиб бўлишди. Равшани, бу жамоанинг куч-қудрати ҳақида гапир-ишга ҳожаат йўқ. Лекин «Пахтакор» ҳам энди бўш келмайди, деб ўйлаймиз.

Ш. АЛЛАМОВ.

46-ТИРАЖ НАТИЖАЛАРИ

«Спортлото» 45 дан 6н: 2, 9,

10, 38, 40, 45,

«Спортлото» 36 дан 5н: 6,

11, 32, 33, 34.

Мухаррир

Н. ЕҚУБОВ.

Реклама ва эълонлар

ПАХТА ЕТИШТИРУВИ ҲУЖАЛИКЛАРНИНГ

РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жумҳуриятимиз Президенти фармонларига биноан етиштирилган умумий ҳосилнинг 5 фозин ва режадан ортқиги йиғиб олинган пахтанинг 100 фозин ҳўжалиқлар ихтиёрида қолляти.

Шуни инобатга олганда ишончимиз қомилки, ҳар қайси ҳўжалиқ учун қандай қилиб хом ашёдан ип газлама иш-лаб чиқариш муаммоси юзага келди.

Ҳўжалиқларнинг ишбилармон раҳбарлари жамоа ва кенгаш ҳўжалиқларида хом ашёдан чиг, сурп ва ип иш-лаб чиқариш учун кичик корхоналар қуришга киришдилар.

ШУ КОРХОНАЛАРДА ИШЛАШ

УЧУН ИШЧИЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

ВОШ ВОШҚАРМАСИНИНГ

16-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДА

ЎҚИТИЛАДИ

Сиз, ҳурматли ҳўжалиқ раҳбарлари билим юрти билан ҳўжалиқ ҳисобида битим тузган ҳолда, ишсиз юрган қи-ларин билим юртига ўқишга юбориб, 10 ойдан кейин юқори малакали ип йиғирувчиларга, кадраваловчиларга, пиликловчиларга, тўқувчиларга ва уста ёрдамчиларга эга бўлиб, кичик корхоналарнинг умуми ишлашини таъ-минлайсиз.

Ўқиб давомиди назарий дарслар билим юртида, амалий дарслар эса Тошкент шаҳар ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида юқори малакали устозлар ёрдамида олиб борилади.

ЎҚУВИЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИ ТОМОНИДАН ЕТОҚ-

ХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИЛАР.

Билим юрти манзилгоҳи: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе ноҳияси, Абдулла Қодирий кўчаси, 34-уй.

Телефонларимиз: 55-44-85, 55-44-16, 55-44-96.

Транспорт воситалари: Жанубий темир йўл вокзалидан: 7, 24, 28-трамвайлар; 57, 38, 40-автобуслар; 2-троллей-бус билан «Фрунзе савдо маркази» бекатига борилади.

Тайёрагоҳдан 14-троллейбус; 11, 7, 45-автобуслар; Шимолий темир йўл вокзалидан: 2, 80-автобуслар бил-лан «Абдулла Қаҳҳор кўчаси» бекати.

ПАХТА ТОЗАЛАШ ВА ТЎКИМАЧИЛИК

САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«Асбоб» Совет—Венгер қўшма корхонаси пахта толасидаги ифлосликни аниқлайдиган FM—30 ускунаси ва пахта толасидан ишлаб чиқарилган ипларнинг сифатини текширадиган асбобларни ҳавола қилади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга му-рожаат қилинсин: 70070, Тошкент шаҳри, 70-алоқа бўлими, Ш. Руставели кўчаси, 8-уй, «Асбоб» қўш-ма корхонаси.

Тошкентдаги телефонлар: (3712) 56-15-73, 56-30-71.

Халқ мулки—муқаддас

183-«ҚОТИЛЛИК»

Ушбу мақолада номи ва турар жойи аниқланган бир-он-бир ашаддий жиноятчи ҳақида сўз ширмоқчи эмас-миз. Аммо қаламга олинаёт-ган воқеа-ҳодисалар, юз берган фалокатлар билан танишган-улар ҳам қотил-лигининг ўзиниси эканлиги-га шубҳа қилмайси. Иж-ноятнинг ижрочилари, ишти-рокчилари ҳам тайин: биз билган ва биз билган ҳар ку-ни мулоқотда, муомалада бўлаётган кимсалар. Аниқ-роғи эса лоқайлик ва бе-фарқлик домига илгинган ким-салардир.

Далилларга эътибор бе-ринг: жорий йилининг ўтган ўн ойи мобайнида жумҳури-ят ҳудудига 20.538 марта-ба ёнинг содир этилган. Ра-қамларни қорозга тушириш осон. Бироқ бўлиб ўтган

воқеа-ҳодисалар тафсил-отли, жабрлатилган боши-га тушган қудратли, ноқор оилаларга етказилган мо-дий-маънавий зарарни ўйла-санг вужудингиз титроқ бо-сади.

16.446338 сўм... Бу юқо-рида тилга олинган ёнги-лар касофатида, мустақил Ўзбекистоннинг фаровонли-гини таъминлашга хизмат қилиши лозим бўлган бой-лиқдан юлиб олинган зарар миқдоридир. Эътибор бе-ринг: юзлаб, минглаб сўм эмас, миллионлар...

182 қора қўз... Дунёнинг эртанги қўни ҳақида ширин ўйлар сурган навақиронлар, турмушга чиқиб оравдига келинлик либосини йиққан маъсума қизалоқлар... Э-ндигина тетапоини, атак-чечакни ўрганаётган гўдак-

лар... Минг бир азоблар бил-лан иморат тиклаб унинг остонасига қадам қўйишга улгурмаганлар... Улар энди йўқ! Лоқайлик, бефарқлик-ка йўл қўйганлар ҳатоси туфайли улар ҳаётдан бе-вакф кўз юмдилар. Хўш, бун-дай мусибатнинг қотиллик-дан фарқи борми?

Жумҳурият мустақилли-гини ихтиёр этди. Иқтисоди-еи оғир саналаётган бугунги масъулиятли дақиқаларда ҳар қандай — катта ёки кичик ҳажмдаги зарар ҳам заҳматкаш ҳалқимиз учун қимматда тушади. Ҳазрати деҳқон, қадок қўли опа-сингилларимиз тунни тонга улаб далада олтин ундирди-лар. Оғир меҳнат эвазига яратилган пахта хирмони ўзбек халқи учун кенг им-коният яратётганини яна

бир қарра таъкидласак айб эмас. Кимдир пахта териб, унинг ҳар бир мисқоли учун қайғурса, кўндек авайласаю бошқа биров эса ўша дурни кулга айлантирса?

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон райони ҳудуди-даги «Сурхон» пахта тоза-лаш заводида «аразмаган лоқайлик»ка йўл қўйиб, «пахта хирмони»га ўт кет-ди. Давлатга, энг аввало халққа «аразмаган 300 минг сўм»ли зарар етказилди.

Риштонда 300, Жиззахда-ги Дадажонов номи пахта тозалаш заводида 20 кило-грамм пахта ёнган. Сирдарё вилоятидаги «Оқ олтин» районининг 10-совхозида эса пахта ортадиган механизм-ларнинг носозлигидан ён-ғини чиққан. Оқибатда учта пахта хирмонида ўт кетган...

Мавсум бошида хом ашё-ни қабул қилиб олиш, пахта пунктлари ишига етарли

эътибор бермаслик, соҳага совуқ муносабатда бўлишни аниқлаётган ҳолларда — ло-қайлик қилиб, хатони ўнлайинчи қабилдаги сўз-лар билан ҳаспўслашга ту-шадилар. Сотувчи харидор ҳақидан 20 тинин уриб қол-са уни суд залигача судлаш-лари аниқ. Аммо улкан имо-ратлар, қишлоқлар кулга айланса қонунни четлаб ў-тамиз, «техника»ни айбдорга чиқарамиз.

Мақола бошида йилин-гиз ўтган 10 ойи давомида содир этилган ёнги-лар натижаси-да 182 киши ҳаётдан қўз юмганлигини, бошқача айт-ганда, ана шунча «қотиллик» руй берганини таъкидлаган-дик. Хўш, бир юз саксон учинчи қурбон берилишига йўл қўймаслигининг илоҳий бормикан? Бу борада муш-тариларга мурожаат қи-либ уларни фикр-мулоҳаза юриштишга чақирмоқчимиз. Навбат мунозараларга. Хат-ларингизни қутиб қоламиз...

М. АБДУРАҲМОНОВ, «Қишлоқ ҳақиқати»нинг муҳбири.

ОЙНАН ЖАҲОНДА

Чоршанба, 20

● УЗТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соглом бўлай десангиз».
8.35 «Лола Оқилова рақсга ту-шади». Фильм-концерт («Ўз-бекфильм»).

9.05 «Сўх дарёси бўйлаб». Теле-фильм.
9.20 Чини устида хоккей бўй-ча Ўзбекистон кубогини.

10.00 «Ёшлик» студияси савол-ларингизга жавоб беради.

16.00 Янгилликлар.

18.10 «Арқон». Мультфильм.

18.30 «Ёшлик» студияси кўрс-тади.

МҲАССИСЛАР: ЎЗБЕ-КИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ҲУЖАЛИГИ ВА-ЗИРЛИГИ. «ЎЗЎЛДО-ОВОШЧИНИПМ» КОН-ЦЕРНИ. ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ АЛЛИЯ ВАЗИРЛИГИ. «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНА-ЛИСТАРИ ЖАМОАСИ.

лининг асосий вазифалари.

11.00 «Кўринмас оғу». Теле-фильм.

11.30 Тасвирли санъат. Мини-а-тура усулида расм ишлаш.

11.30 «Ахборот» (рус тилида).

11.50 «Қадрият».

12.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Шукров концерти.

12.00 «Ахборот».

12.35 «Олтин бешик». Бухоро вилоятидан кўрсатув.

12.35 «Шаҳарчилар». Бадий фильм (М. Горький номи киностудия).

00.30 Эртанги кўрсатувлар тар-тиби.

● УЗТВ II

Укув кўрсатувлари

10.30 Информатика. Бейсик ти-

● МТ